

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ РОМАНЛАРИДА БАДИИЙ ТАФАККУР РИВОЖИ

Мубора ОМАНОВА

катта ўқитувчи

Низомий номидаги Тошкент
давлат педагогика унверситети

Тошкент, Ўзбекистон
muboraomanova5@gmail.com

Аннотация

Бадиий тафаккур ривожланишининг маҳсули бўлган турли бадиий тасвир усул ва воситалари эса, халқ тафаккури билан бирга ўсиб, такомиллашиб, бойиб бораверади, бу ҳодиса романий тафаккур тараққиёти мислсиз кенгайишига сезиларли таъсир этди.

Таянч сўзлар: миллий, тафаккур, адабий-эстетик, шайх, тимсол, мажоз, рух, рухий, роман, мутасаввиф, валий.

РАЗВИТИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО МЫШЛЕНИЯ В РОМАНАХ ПЕРИОДА НАЦИОНАЛЬНОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ

Мубора ОМАНОВА

Старший преподаватель

Ташкентский государственный педагогический
университет имени Низами

Ташкент, Узбекистан
muboraomanova5@gmail.com

Аннотация

Методы и средства художественной выразительности, являющиеся продуктом развития художественного мышления, продолжают совершенствоваться и обогащаться вместе с мышлением народа, и это явление оказывает значительное влияние на беспрецедентное расширение художественного мышления в романах.

Ключевые слова: национальный, созерцательный, литературно-эстетический, шейх, символ, метафора, дух, духовный, роман, мистика, хранитель.

Миллий истиқлол даврининг янгиланган адабий-эстетик тафаккури ва бебаҳо маънавий меросларимизнинг жорий имлода нашр этилиши романий тафаккур тараққиёти миқёсларининг мислсиз кенгайишига сезиларли таъсир этди. Зотан фикримиз равшанлиги, руҳимиз бардамлиги муаззам Шарқ фалсафасини нечоғлик ўзлаштиришимизга ҳам боғлиқдир.

Бу тасодифий ҳол бўлмай, улуғ алломаларнинг сўзлари ҳамиша инсон қалби малҳами ва руҳининг қуввати бўлиб келган. Уларни дилига жо этган

инсон Қуръон ва Ҳадислар мағзига эшик очадигина эмас, ўзининг ҳолати, ахлоқини, қилаётган ишларининг яхши-ёмонлигини ўйлайди. Ҳаёт, охират, инсонийлик хусусида теран мулоҳаза юритиб, ички оламини тартибга солади. Чунки, инсоннинг руҳий-ахлоқий покланиши, илоҳий муҳаббат орқали юксалиб бориши тасаввуф таълимотининг асосий ғояларидан бўлиб, мазкур таълимот чуқур инсонпарварлик, поклик, абадий ҳаёт, кўнгил хуррияти ҳақидаги орзуларга йўғрилгандир.

Шайхларнинг сийрату сурати, донишмандона сўзларию кароматлари юксак ахлоқ ва илоҳий муқаддаслик намунаси сифатида қабул қилиниб келганлигининг сири ҳам тасаввуф шайхлари халқимиз маънавий раҳбари, руҳоний мураббийси сифатида майдонга чиққани, пайғамбаримиз фаолияти ҳамда ҳолатларини давом эттиришга жазм этганликлари билан изоҳланади.

Дарҳақиқат, халқимиз азалдан сўфий дарвешларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатган. Бу орқали улар Аллоҳга, унинг инсонни улуғлаган қудрати ва файзу футухига ўз ишонч-эътиқодларини изҳор этишган. Шу маънода, бемалол айтиш мумкинки, йирик шайхларнинг маънавий мероси, сўзи ва ҳолатларини, улар ҳақидаги хотиралар, ривоят ва ҳикоятларни ўрганиш орқали назарий қарашларни умумлаштириш имкони ҳам юзага чиқади.

Шайхлар фавқулодда қудрати, илоҳий каромати, назокати, аҳдларидаги комиллик, ҳаракатларидаги фидойилик, дилларидаги жабр-зулмга нисбатан исёнкорлик баробаридаги бандасига хос ожизлик ҳолатлари китобхонга ўртак бўла олади. Шайх-валийлар ҳеч қачон халқдан, жамоадан узилишни тавсия этишмайди. Рисолада ислом одоби ва мурувватпешалик ҳамиша жаҳолат ва бадхўйликка зид қўйилади. Шу маънода, ўтмиш меросларимизда макон-замон чегараларини билмайдиган аччиқ ҳаётий ҳақиқатлар ҳаққоний кўрсатилади. Уларнинг ҳаётбахш таъсири ёхуд ижодий илҳом онларида, бу бебаҳо хазинага имкон қадар руҳан яқинлашиш таъсирида битилган замонавий асарлар мисолида ҳам бу ҳодисани кузатиш мумкин.

Жумладан, Асад Дилмуроднинг “Фано даштидаги қуш” [1] романида адиб услубий изланишлари анча теранлашган. Ёзувчи жаҳон романчилиги

тажрибаларини ижодий ўзлаштириш билан бир қаторда, уларни Шарк мумтоз тадабиёти, хусусан, Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асари, Румийнинг “Ичиндаги ичиндадур” рисоалари билан уйғунлаштиришга, фикр ифодасида тимсолларга таяниб иш кўриш, мажозлар тилида сўзлашга ҳаракат қилган.

Дарҳақиқат, адиб романда инсон руҳиятининг икки олам ўртасидаги талпинишларини, нафс комида ўз-ўзида адашган, алданган ва аслига қайтишга интилаётган кимса – Саидбек Умарнинг изтиробларини қаламга олиб, худбинлик, хиёнат, қабоҳат ҳамда журъатсизликни кескин қоралаган. Асад Дилмурод эътиқод бутлиги, ирода мустаҳкамлигини улуғлар экан, тарихий шажаралар билан пайвасталик, кўнгил тилаги йўлидаги фидойилик, болаликка хос покликни асраш, шунингдек Яратганни таниш мумкин, деган умуминсоний фикрни руҳият манзаралари орқали ифодалаган.

Бинобарин, асарда ёвуз ниятли кимсалар томонидан ўтмишидан жудо қилинган, болалиги ўғирланган, ўй-мушоҳададан маҳрум этилиб, жаҳолат комига ташланган, ақидапарастлик гирдобида маънавий инқирозга гирифтор қилинган Саидбек Умар ўз-ўзини тафтиш этади. У Ёдгор валий кўмагида – воситали таъсир остида ўнгланади. Чунки ҳар бир босган қадамида иштиёқ ва ғайрат намоён, дилида Қуръони Карим жо бўлган Ёдгор валий қаҳрамонни ҳидоят сари бошлайди, кўнгил иқлимига олиб киради.

Натижада Саидбек дилида азалдан мавжуд, аммо ғубор босган майллар уйғонади. Унда қутлуғ она тупроқ, илоҳий шафоат ва саодатдан яралган ўн саккиз минг оламини таниш, Яратганнинг қудрати олдида итоаткорлик ҳисси пайдо бўлади. Дилига тушган илоҳий нур тажаллийси адабий қаҳрамоннинг шуурини ҳам уйғотади, тасаввурини ёритади. Шунинг учун ҳам у роман воқеалари кечаётган давр – яқин ўтмишда туриб олиш мозий ва келажакни ўз кўнглида бирлаштира олади. Кўнгил кўчасида адашган Саидбек ўтмишнинг улуғвор хотираларига қайтиб, ота-боболар меросидан дилида таскин, руҳида қаноат, қалбида ғайрату сурур туяди. Мозий сабоғи орқали ўзида теран бир қатъият уйғонганлигини англайди.

Натижада унинг қаршисида бир пайтлар шафқатсиз тақдир ҳукми ила ёпилган эшиклар қайта очила боради. Хотираларида ўз болалиги – Бўзтой қиёфасида жонланади. Сахий ва холис ҳомий Энабоши Кўкбўри унинг кўнглига шиддат ва шижоат бағишлайди. Алалоқибат, унинг қалбида эртадан умидворлик туйғулари куртак ёзади. Бошқача айтганда, роман қаҳрамони Аллоҳни ҳабиб-дўст тутиб, азиз аجدодлар руҳидан мадад олиб, билиб-билмай қилган гуноҳларига тавба қилади.

Саидбек болалигини ўғирлаган, умр йўлини нотўғри ўзанга солган ноқаслар билан алоқасини буткул узишга аҳд қилади. Хиёнат саҳросидан қайтиш орқали икки дунё саодатига ноил бўлишдан умидланади. У кўнгил иқлимига қанчалик теран кирган сари, қалб ардоғидаги азиз бисотларини йўқотганини англай боради, афсус-надомат чекади. Эндиликда нафақат ўзи, балки олам ва одам тақдири хусусида қайғура бошлаган Саидбек эзгу ниятлари рўёби учун мурувват сўраб Аллоҳга ёлборади. Яратганга шукрона билдириб, гуноҳларига истиғфор айлаган қаҳрамон бутун борлигида илоҳий куч, шижоат пайдо бўлгани, истиқболи нурафшон кўрина бошлаганлигини илғайди.

У хаёлан ўз тасавуридаги кечмиши – Бўзтой ва инсониятнинг эртаси – Чақалоққа интиқ ҳолда яшайди. Хаёлидаги ҳабиби – Ҳабиба (Моҳина), Бўзтой ва Чақалоққа кўнглини ёради. Холис ният билан “тирилиб” келган Бўзтойга ҳам, “умр йўлдоши” Моҳинага ҳам, Чақалоққа ҳам фақат рост сўзлайди. Зеро, унинг қалби ўзида ўлмоқ, яъни поклик билан қайта туғилмоқни тилайди. Бу борада у шайх Ёдгор валийдан андаза олади. Ўз кўнглига яқинлашиб, шу бепоён иқлимни забт этган сари қаршисида саодат эшиклари очилаётганлигини кўради, ҳис этади. Олдинлари туйилмаган осудалик ва сурур кўнглига далда беради. Худбинона интилишларидан йироқлашган сари, кўнгил кўзи кенгроқ очила боради: қарахтлик ғурбатидан кутулиб, иймон ва инсоф кишисига айлана боради.

Роман воқеалари ва қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари гоҳ-гоҳ бошқа ўлчамлардаги оламларга, хусусан хаёлий Саодат мамлакатига кўчади. Бундай

лаҳзаларда ҳам асар қаҳрамонларини иноқлик ва қатъият, инсоний меҳр-муҳаббат ҳамда эртадан умидворлик сифатлари гўзаллаштириб туради. Машаққатларга бардошли бу бандалар пировардида Буюк қудрат эгаси томонидан муносиб тақдирланадилар. Руҳий эврилиш босқичини ўтаган Саидбек Умар бундан теран қониқиш туяр экан, фано ва бақонинг ўзаро пайвасталиги ҳам аслида Яратганнинг қудрати нишонаси эканлигини англаб масрур бўлади.

Таъкидлаш ўринлики, романда тасаввур ва хотиралар олами билан реал дунё воқеа-ҳодисаларининг қоришиқлиги китобхондан бирмунча фикрий мушоҳадакорликни, мажозий образлар моҳиятини англаш йўлида ижодий зўриқишни ҳам талаб қилади

Асад Дилмуроднинг “Паҳлавон Муҳаммад” романида бош қаҳрамон сиймоси талқини орқали донишманд аллома ғояларининг инсонпарварлик моҳияти кўрсатилган. Муаллифнинг адабий қаҳрамонга кечинмадошлик туйғулари ифодаланган. Паҳлавон Муҳаммад файласуф алломагина эмас, балки элдошлари ҳомийси тимсолида ҳам бадиий талқин қилинган. Адиб қаҳрамоннинг руҳоний портретини чизишга, паҳлавон-валий характерининг илоҳийлик қиррасини ёритишга интилади. Бошқача айтганда, романдаги зиддиятлар нафақат шахс ва жамият, эзгулик ва ёвузлик, балки иймон ва нафс ўртасида ҳам кечади.

Ҳожиакбар Шайховнинг “Телба дунё” [5] романида эса, ерда кечаётган воқеалар самога кўчирилади. Кўҳикофлик донишманд авлиё – Ҳаким Амир Шайх эзгуликнинг рамзи сифатида тасвирланади. У фазовий мулоқотни кўзлаган Самандарга турли насихатлар қилиб, оқ фотиҳа беради. Ғафлатдан уйғониш, қирғинбарот урушнинг олдини олишга йўналтириш мақсадида Нодиршоҳга ғайриоддий куч ато этади. Романда халқ ва Ватан олдидаги ўз маъсулиятини ҳис қилмаган, қудратини разолат йўлида ишлатган – ёвуз Нодиршоҳ дунёпарастлигига унинг ўғли – Самандар каби тафаккур эгалари зид қўйиб тасвирланади.

Ҳ.Шайхоннинг “Туташ оламлар”, “Икки жаҳон овораси” романларида, ижтимоий-фалсафий муаммолардан баҳс этилади. Ёзувчи китобхонни ҳаётни кадрлаш, умуминсоний масалалар ҳақида ўйлашга ундайди. Профессор О.Шарофиддинов мазкур романлар ҳақида тўхталиб ёзади: “Уларнинг янгилиги шундаки, бу асарлар ўзбек насридаги биринчи мистик-фантастик романлардир” [5; 1].

“Туташ оламлар” романи воқеалари реал макон ва замонда, бизнинг кунларимизда Тошкент ва Туркистонда бўлиб ўтади. Унда тасвирланган Баҳром Шайх ўз қавми томирлари билан мозийда ўтган улуғ авлиёлар Шайх Тоҳир, Тилла Шайх, Шайх Хожа Асрор валий ҳамда Аҳмад Яссавий шажараларига бориб тутушади. Ғулум Шайх ва Икром Шайхлар ака-ука бўлишган. Улар XX аср бошларидаги талатумларда хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлишган. Баҳром Шайх ана ўша Ғулум Шайхнинг ўғли. Романда тасвирланган Асадбек аслида улуғ шайхлар шажарасидан бўлса-да, шўро замонида даҳриёна тарбия олган. Иттифоқо Баҳром шайх хонадонидан ғайритабиий ҳодисалар содир бўла бошлайди. Бу ҳодисалар Асадбекнинг кизи Назира икки яшарлигида бошланиб, улғайгунча давом этади.

“Туташ оламлар” романида ғайб оламида Асадбек қизлари Назирага – Тоҳир Шайх, Наргизага – Шайх Хожа Асрор, Нафисага – Тилла Шайхларнинг руҳлари ҳомийлик қилишади. Реал дунёда эса, бу қизларни дуохон башоратчи – Гулшода бону, баҳши ва кушноч – Мастон буви, табиби ғайб – Қулдош Али Ҳожи кабилар ўз ҳимоясига олишади.

Омон Мухтор ҳам ўзининг “Ишқ аҳли” [4] романида бадиий заминдан ҳаётини мантқиқ излайди. У Алишер Навоий яратган рубобий шеърини бағридан кўнгил тимсолини топади. Шоир яратган лирик образлар шарҳи орқали Навоийнинг мушоҳада оламига кириб, улуғ мутасаввиф шайх ҳақидаги тасаввурларимиз тугаллигини таъминлайди. Натижада, ҳаёлий муҳаббат фалсафаси ва лирик-драматик лавҳалар бағридаги жозибали руҳий ҳолатлар – кўнгил кайфиятию фузун дардларини мутасаввиф-валийлар эътиқоди билан чамбарчас боғлаб идрок этади. Ёзувчи Навоий сувратини

тахайюлда яратишдек мушкул вазифани иштибоҳу ҳайронлик, умиду ишонч ҳислари қоришиқлигида уддалайди. Мисралар талқинидан комил ва солим маънолар топади. Романни ўқир эканмиз, Навоий кўз ўнгимизда гўзал хаёлотию истак-майллари, ширин хотироти ва мужримона тазаррулари билан намоён бўлади.

О.Мухтор алоҳида олинган инсоннинг даври, ўзи ва атрофини қуршаган кишиларга муносабат билдиришни унинг фалсафасини теран англаш ҳамда англантишдан бошлаши бежиз эмас. Зотан: “Аҳли зуҳд ичра мақсадга йўл” топмаган Навоий ишқ аҳлидан эди. Навоий танлаган устозлар, топган дўстлар, таянган пири комиллар, валийлар фалсафасидан ажратиб, ундаги қатъият ва кескинликни, ҳаётсеварлик ва инсоний эркини, асарларидаги рамзий-киноявий мазмунни тушуниш, сир-синоатнинг тагига етиш мумкин эмас.

Зоҳиран қаралса, “Ишқ аҳли” романи марказида Алишер Навоий тургандек туюлади. Чунки Машҳад, Ирок, Сабзавор, Ҳижоз, Тус, Шероз, Самарқанддаги ҳаётига бир қур назар ташланади. Романда Амир Аҳмад Ҳожи (Вафойий) каби ҳокимлар, Ҳожи Фазлуллоҳ Абуллайсий сингари хонақоҳ соҳиблари, ота-онаси, укаси Дарвеш Али, жияни Амир Ҳайдар, яқинлари Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Амир Шайхим Суҳайлий, Амири Махдум Барлос, Хожа Афзал каби меҳрибон, ғамхўр инсонлар, устозлар, тенгдошлар, маслақдошлар ҳақидаги мулоҳазалар акс этганлигини инобатга олсак, асарда чиндан ҳам ишқ аҳли тасвирланганлигининг гувоҳи бўламиз.

О.Мухтор реал одамнинг шикаста руҳи, мураккаб кайфиятию фузун дардларини мутасаввиф-валийлар эътиқоди билан чамбарчас боғлаб идрок этган. Навоий сувратини тахайюлда яратишдек мушкул вазифани иштибоҳу ҳайронлик, умиду ишонч ҳислари қоришиқлигида уддалаган. Мисралар талқинидан комил ва солим маънолар топган. Шунинг учун ҳам романда Навоий китобхоннинг кўз ўнгида гўзал хаёлотию истак-майллари, ширин хотироти ва мужримона тазаррулари билан намоён бўлади.

Сўнги йиллар ўзбек романлари сюжети ва композициясида анъанавий мотив ва тимсоллар, хусусан диний-илоҳий мавзу ҳамда ғоялар талқинига эътибор ортиди. Натижада, улар асар поэтикасини белгилашда муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу кўҳна оламнинг сир-синоатлари ва бандасига ноаён жиҳатлари бисёр. Ҳазрати инсонни соғлом фикр ва тафаккур зийнатлайди. Бадий тафаккур ривожланишининг маҳсули бўлган турли бадий тасвир усул ва воситалари эса, халқ тафаккури билан бирга ўсиб, такомиллашиб, бойиб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дилмурод, Асад. Фано даштидаги куш: роман. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 336 б.
2. Ёқубов И. Замонавий ўзбек романларида румиёна рух. // Шарқ машъали, 2009 йил, 1-сон. – Б. 27-31.
3. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 112 б.
4. Мухтор, Омон. Ишқ аҳли. Биринчи фасл. // Шарқ юлдузи, 2001. – Б.17-69.
5. Шайхов Ҳ. Туташ оламлар. Икки жаҳон овораси: илмий фантастик романлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 392 б.